

2011-3-сон

Шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисми асосида тугатилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 11 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2009 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра, С. Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 2008 йил 28 августдаги амнистия актининг 1,6-бандлари татбиқ этилиб, жазо тайинланмаган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББга қарашли 6-сонли тергов ҳибсхонаси котибияти бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, унга 2004 йил 31 августдаги 1154-рақамли 2-шаклдаги рухсатнома орқали махфий ҳужжатлар билан ишлаш ҳуқуқи берилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги **“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти низомини тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 1993 йил 30 августдаги 022-сонли буйруғи билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ходимлари, ишчилари ва уларнинг оила аъзоларининг чет элга чиқишлари тартибини эълон қилиш тўғрисида”**ги вақтинчалик низомнинг 3-“а” кичик банди талабларини ҳамда белгиланган тартибни бузиб, тегишли рухсатнома олмасдан, 2008 йил 5 январь куни Хоразм вилояти, Шовот туманидаги “Шовот авто” божхона пости орқали Туркменистон Республикасига ўтиб, 6 январь куни Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган.

Жиноят кодексининг 223-моддаси 1-қисмида белгиланган тартибни бузиб чет элга чиққанлик ёки Ўзбекистон Республикасига кирганлик ёхуд чегарадан ўтганлик учун, 2-қисми «в» бандида эса, ўша ҳаракатлар чет элга чиқиш учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят иши материалларига караганда, С. 2008 йил 5 январь куни Хоразм вилояти, Шовот туманидаги “Шовот авто” божхона пости орқали Туркманистон Республикасига ўтиб, 6 январь куни Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган.

С. дастлабки тергов ва судда онаси оғир касаллиги сабабли 2008 йил 5 январь куни Туркманистон Республикасидаги «360 пир» зиёратгоҳига зиёрат қилиш учун икки нафар дугонаси билан бирга божхона пости орқали ўтиб, зиёрат қилиб қайтиб келгани, Туркманистон Республикасига алоҳида рухсатнома олиб чиқиш кераклиги, бу хусусда ички ишлар вазирининг буйруғи борлигини жиноят иши кўзғатилгунга қадар билмагани, буйруқ билан танишмагани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Б. дастлабки тергов ва судда 6-тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаши, С.нинг 2008 йил январь ойида Туркманистон Республикаси бориб келганидан тергов жараёнида хабар топгани, махфий ҳужжатлар билан ишловчи ходимлар чет элга чиқишлари учун раҳбариятнинг рухсатини олишлари лозимлиги, бу ҳақда ички ишлар вазирининг 1993 йилдаги буйруғи борлигидан хабари бўлмагани, С. ҳам ушбу буйруқ билан таништирилмагани ҳақида кўрсатма берган.

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра, С. юқорида қайд этилган хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 1993 йил 30 августдаги 022-сонли буйруғи билан тасдиқланган вақтинчалик Низомнинг

3-“а” кичик банди талабларини кўпол равишда бузганлиги сабабли муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан (хизматда қолишга номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун) ички ишлар идоралари хизматидан бўшатишган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги **“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти низомини тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори 3-қисмининг “а” бандига кўра, агар шахс давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига монелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса, бу ҳолатларнинг амал қилиши тугагунга қадар унинг чет элга рухсатсиз чиқиши ман этилади.

Шунингдек, қарорнинг 4-иловасида, “ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва мудофаа органлари ходимлари халқаро характердаги расмий тадбирларда қатнашиш учун” чет элга боришларига махсус келишув талаб қилувчи мансабдор шахсларнинг рўйхати кўрсатилган.

Иш материалларида С.нинг қарорда кўрсатилган шахслар таркибига киришини исботловчи далиллар мавжуд эмас.

С. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 1993 йил 30 августдаги 022-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 3-“а” кичик банди талабларини бузганлиги учун асосли равишда ички ишлар идоралари хизматидан бўшатишган.

Бироқ С. Туркменистон Республикасига белгиланган тартибда, чегара пости орқали, божхона декларациясини тўлдирган ҳолда чиқиб, Ўзбекистон Республикасига шу пост орқали қонуний қайтиб келган.

Бундай ҳолда, С.нинг ҳаракатлари белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтишга қаратилган деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 5 майдаги ажрими билан С.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, С.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан тугатилди.

Назорат иши ЖСХ-40-11